

## РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТГАН АСАЛАРИЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИНИ СУБСИДИЯЛАШ ТИЗИМИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Жонибек Фарманов,

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик  
ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази, мустақил изланувчи

### Аннотация

Мақолада асаларичилик тармоғида рақамли технологияларни трансформация қилишни рағбатлантиришнинг ташкилий ва иқтисодий дастаклари ифодаланган. Тармоқда рақамли технологияларни жорий этишни субсидиялаш бўйича таклифлар баён этилган.

**Калит сўзлар:** асаларичилик, рақамлаштириш, рағбатлантириш, рақамли технология, субсидия, “Асаларичиликда технологик трансфер”, 3D қурилмалари, сунъий йўлдош новигацияси, Big Data.

### Кириш

Ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатишича қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш билан боғлиқ тадбирлар доим давлат назоратида ва қўллаб-қувватлаш механизмлари ёрдамида амалга оширилади. Хусусан АҚШ, Германия, Япония каби технологик ривожланган ҳамда хусусий сектор улуши ва хизмат кўрсатиш сифати юқори бўлган давлатларда ҳам айнан қишлоқ хўжалиги учун рақамлаштириш масаласи давлатнинг зиммасига юклатилган.

### Асосий қисм

Тадқиқотларимиз асосида асаларичиликда рақамли технологияларни трансформация қилишни рағбатлантириш йўллари сифатида ташкилий ва иқтисодий дастаклардан кенг фойдаланиш лозим деб ҳисоблаймиз. Хусусан ташкилий йўналишда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- “Ақлли асалари уялари”ни ташкил қилиш, мамлакатимиз иқлим шароитларига мослаштиришга оид тадқиқотлар ва тажрибаларни олиб бориш;
- рақамли қурилмалар, масофадан бошқариш воситалардан фойдаланишга оид ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, барча учун содда тизим яратиш;
- рақамли қурилмалардан фойдаланишни оммалаштириш, тарғиб қилиш, тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадида семинарларни такшил этиш;
- ақлли қурилмалар билан жиҳозланган асаларичилик хўжаликларини ўрмон фонди ерларидан мақсадли ва тартибли фойдаланиш йўллари ташкил этиш ва бошқалар.

Шунингдек асараричиликда рақамли технологияларни жорий этишни рағбатлантиришнинг иқтисодий йўналишлари сифатида қуйидаги вазифаларни бажариш лозим деб ҳисоблаймиз. Жумладан:

- рақамли технологияларни тўлиқ жорий этган хўжаликлар учун имтиёзли кредитлаш тизимини жорий этиш, суғурталаш тизимини такомиллаштириш;
- хўжалик билан ҳамкорликда кооперацион алоқалар орқали ақлли қурилмаларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш;
- жами асалари оилалари сонининг маълум улушига рақамли технологияларни жорий этган хўжаликларни табақали субсидиялаш тизимини жорий этиш;
- асараричиликда рақамли технологияларни жорий этишни молиявий қўллаб-қувватлашга қўмаклашувчи фондларни ташкил этиш ва ривожлантириш ва бошқалар.

Ушбу ташкилий ва иқтисодий дастакларнинг ҳар бирининг амалиётдаги ўрни бекиёс бўлиб, у монографик тадқиқотларда ҳам ўзининг тасдиғини топган. Айниқса суғурталаш, имтиёзли кредитлаш, субсидиялаш масалалари ҳамда соҳани молиялаштирадиган алоҳида жамғармаларнинг шаклланиши ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши таъкидланган.

Шу боис тадқиқотларимизда субсидиялаш ҳамда махсус жамғармаларни ташкил этиш ҳамда уларни молиялаштириш йўналишларига алоҳида урғу қаратган ҳолда илмий талифлар асосланган. Жумладан ҳудудларда ўтказилган сўровномалар таҳлиллари кўрсатишича бир асалари хўжаликда ўртача 1 та павилион (32 яшик, 64 та оила) парваришланишини эътиборга олинса, унда камида 4 та яшик (12,5 фоизи) доимий назоратдаги, рақамли технология билан жихозланган бўлиши талаб этилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда асараричилик хўжаликлари учун рақамлаштиришга субсидия ажратишда минимал мезон белгиланиши таклиф этилмоқда. Ушбу мезонни минимал даражада бажарган ҳамда уни павилиондаги яшиклар сонига мос равишда ошириб боришдан манфаатдор бўлган хўжаликларни табақали субсидиялаш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ (1-жадвал).

1-жадвал Рақамли технологияларни жорий этган асараричилик хўжалиklarини субсидиялаш тизими ва унинг табақалари

Субсидиялаш миқдори	Минимал мезон	Табақалашган ҳолда қўлланилиши		
		Минимал талабни бажарган	30 фоизга жорий этган	50 фоизга жорий этган
БХМ нинг 5 баробари миқдорида	Жами яшиклар сонининг 12,5 фоизда рақамли технология жорий этиш	1,0	5,0	10,0
<b>Шунингдек минтақавий, ўсимлик туридан келиб чиққан ҳолда коэффициентлар ҳам жорий этиш мумкин</b>				
	Тоғ ва тоғ олди асараричилиги учун	1,0	5,0	10,0
	Пахтачилик асараричилиги учун	1,0	8,0	12,0
	Чўл ва ярим чўл асараричилиги учун	1,5	6,5	11,0



Рақамли технологияларни жорий этган асараричилик хўжаликларини субсидиялашда 2023 йил ҳолатига амалиётдаги баҳодан келиб чиққан ҳолда БХМ нинг 5 баробари миқдорида субсидия ажратиш таклиф этилмоқда.

Ушбу миқдор хўжаликда мавжуд жами яшиқлар сонининг 30 фоизида жорий этган хўжалиқлар учун 5 коэффицентга кўпайтирилиши ҳамда 50 фоизида жорий этилган бўлса 10 коэффицентда қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

Шу билан биргаликда ушбу миқдор тоғ ва тоғ олди асараричилиги учун қўлланилиб, кимёвий препаратлар таъсири юқорилигини инобатга олган ҳолда пахтачилик ҳудудларида асал етиштирадиган хўжалиқлар учун мос равишда 30 фоизга 8 ҳамда 50 фоизда 12 коэффицентлар таклиф этилади.

Бозор муносабатлари шароитида хусусий секторнинг ўрни ошиб бориши табиий жараён бўлиб, давлат томонидан субсидиялаш бу дастлабки босқичларида, хўжалиқларнинг оёққа туриб олиши ва янги технологияларнинг кенг тарғиб қилиниши учун хизмат қилиб, истиқболда у бозор механизмлари ёрдамида ишлаб кетиши лозим бўлади.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қилиб айтганда, "Асараричиликда технологик трансфер" жамғармасини ташкил этиш орқали асараричиликни рақамлаштириш, ақлли уяларни жорий этишга хусусий секторни жалб қилиш, соҳада олиб борилаётган илмий инновацион лойиҳаларнинг якуний ишланмаларини амалиётга жорий этиш кўламини кенгайтириш, унинг тижоратлашиш, хўжалиқларнинг моддий техник ва молиявий рағбатларга эга бўлишига замин яратиш бериш, провардида эса ижтимоий (озик-овқат хавфсизлиги, илм-фан ривож, технологик куролланиш, кўникмаларнинг шаклланиши) ҳамда иқтисодий (юқори фойда, рақобатбардош бозор сегментига эга бўлиш, нобутгарчиликни камайтириш) каби бир қатор самараларнинг юзага келишига хизмат қилади.

#### **Адабиётлар:**

1. Асараричилик. "Агробанк" АТБ – 2021. <https://agrobank.uz>
2. Аскарров Н. Республикада асараричилик тармоғини ривожлантириш // Амалий қўлланма. "NEW-STYLE STAR" МЧЖ, @ ҚХИ ИТИ, 2017 йил, 51 бет.
3. Дустова М. Х. Классификация рисков в сельском хозяйстве // Экономика и социум. – 2022. – №. 10-1 (101). – С. 346-351.
4. Дустова М. Рост, устойчивость, доходность: эконометрика финансовых потоков на сельскохозяйственных предприятиях // Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences. – 2023. – Т. 3. – №. 10.
5. Dustova M. Prospects of improving independent education in the higher education system of uzbekistan // Intent Research Scientific Journal. – 2023. – Т. 2. – №. 3. – С. 30-34.

6. Makhmutullaeva S. Use of Logistics System in the Development of Export Potential in Uzbekistan // Экономика и социум. 2023. №5-1 (108). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/use-of-logistics-system-in-the-development-of-export-potential-in-uzbekistan>
7. Makhmutullayeva S. Increase Export Capacity through Effective Logistics Systems //Web of Scholars: Multidimensional Research Journal. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 209-214.
8. Махмутуллаева С. Х. Стратегическая логистика для успеха экспорта: путь к экономическому процветанию //Бюллетень педагогов нового Узбекистана. – 2023. – Т. 1. – №. 9. – С. 19-22
9. Omanov R. F. et al. Digitalization Of The Economy: Possible Benefits and Risks //Webology. – 2022. – Т. 19. – №. 2.
10. Sobitjon M., Dustova M. X. Qadimgi va hozirgi dunyo davlatlari iqtisodiyotidagi farqlar, bog'liqliklar va o'xshashliklar //PEDAGOG. – 2022. – Т. 5. – №. 7. – С. 804-807.